**№ 81/D - сонли шартнома**

**«25» июль 2022 йил** **Фарғона шаҳар**

**«BLUE STAR GROUP» МЧЖ** бундан буён матнда «Бажарувчи» деб номланади, ўз Низоми асосида фаолият кўрсатувчи рахбари **Э.Турабоев** бир томондан ва Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари хавза бошқармаси хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси (бундан буён шартнома матнда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан низомга асосан фаолият кўрсатувчи рахбари **Ф.Исомиддинов** иккинчи томондан ушбу шартномани қўйидаги мақсадларда тузишди.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг талабига асосан "Сув сарфини онлайн режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш" ишларини бажаришни амалга оширади.

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан бирга 487 513 750,00 сум (тўрт юз саксон етти миллион беш юз ўн уч минг етти юз эллик) сўмни шундан, ҚҚС тўлови 63 588 750 сўмни ташкил қилади.

1.3. Куйида кўрсатилган "Сув сарфини онлайн режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш" ишларини бажариб берилади.

| № | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Миқдори | Нархи ҚҚС билан бирга | Сумма ҚҚС билан бирга |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Фарғона вилоятидаги бошқарма хисобида бўлган насос станцияларда сув хисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этган холда сув сарфини "онлайн" режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш. (Фарғона вилояти "Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари хавза бошқармаси хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли насос станцияларда чиқарилаётган сув миқдорини ўлчовчи қурилмаларни ўрнатиш) | дона | 25 | 19 500 550,00 | 487 513 750,00 |
| | **Жами:** | | | | **487 513 750** |

## 2.ХИСОБ-КИТОБ ШАРТЛАРИ .

2.1. «Буюртмачи» пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади. «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорда аванс тўловини амалга оширади ҳамда 70% тўлиқ хисоб-китобни иш тўлик бажарилгандан сўнг 10 кун ичида амалга оширади.

## 3.МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ.

3.1. «Буюртмачи» шартномада белгиланган "Сув сарфини онлайн режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш" ишларини бажариш руйхатга асосан жойида ўрнатиб беришни ўз зиммасига олади.

## 4. ТОМОНЛАР ХУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан юборилган вакил, муассаса рахбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмолоқ муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатилгандан сўнг тўлик "Сув сарфини онлайн режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш" ишларини амалага ошади.

4.2. «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган махсулотларни сифат талабига жавоб берган холатдагина уни қабул қилиб олади.

4.3. «Буюртмачи» қабул қилиб олган махсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқланган ҳолда, «Бажарувчи»га ёзма далолатнома юборади, ҳамда бажарилган "Сув сарфини онлайн режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш" ишларини сифатсиз деб топилган ишни «Бажарувчи»дан кабул килиб олади.

4.4. «Бажарувчи» «Буюртмачи»га унинг ишонч қоғозида қайд қилинган ўрнатиш ишларини амалга ошириб беради. Агар «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»нинг ишонч қоғозида кўрсатилмаган ўрнатиш ишларини ишонч қоғозида белгиланган миқдордан ортиқ таъмирлаган холларда, бу махсулотлар учун «Буюртмачи» томонидан хақ тўланмайди.

4.5. «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз ўрнатиш ишларини бажарса, бу ўрнатиш ишлари учун «Бажарувчи»га хақ тўланмайди.

4.6. «Бажарувчи» томонидан "Сув сарфини онлайн режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш" ишларини бажариш муддати шартнома имзолангандан сўнг 30% аванс тўловини амалга оширгандан сўнг 1 ой муддат ичида тўлиқ бажарилади.

4.7. «Бажарувчи» бажарилган ишлар ва ўрнатилан қурилмалар учун камида 2 йил кафолат беради ва шу муддатларда бепул таъмирлаб ёки бошқа янги қурилмага алмаштириб беради.

## 5. ЖАРИМАЛАР ҚУЛЛАНИЛИШИ.

5.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.
5.2. «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га бажарилган ўрнатиш ишларини белгиланган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар киийматининг 0,5% микдорида “Буюртмачи”га пеня тўлайди, лекин пеня микдори кечиктирилган ишлар киийматининг 50% дан ошмаслиги керак.
5.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган ўрнатиш ишларини етказиб берилмаган такдирда, айбдор тараф ушбу махсулот киийматининг 20% микдорида жарима тўлашига сабаб булади.
5.4. «Буюртмачи» томонидан ўрнатиш ишлари учун тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган такдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4% микдорида «Бажарувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50%дан ортик бўлмаслиги керак.
5.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар нархи юкори деб топилган такдирда ўртадаги фарк «Бажарувчи» томонидан копланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

6.1 Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боглик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган такдирда мазкур шартномада кўрсатилган маж буриятлар бўйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга:, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши сув тошкини, енгин ва бошка табиий офатлар тегишлидир.
6.2 Тарафлар Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.
6.3 Агар бартараф килиб бўлмайдиган куч 3 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирларини ёзма равишда огохлантириб, шартнома ижросини бекор килиши мумкин.

## 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ .

7.1. Шартнома икки нусхада тузилиб тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошкармасида белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилгандан сўнг конуний кучга киради.
7.2. Шартноманинг амал қилиш муддати «31» Декабр 2022 йилгача.

## 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР .

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал килинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Хўжалик суди орқали хал қилинади.
8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади.
8.3. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битим имзолаган холда қонуний деб хисобланади.

## 9.ТОМОНЛАР ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

| «Бажарувчи»<br>«BLUE STAR GROUP» МЧЖ | «Буюртмачи»<br>ССИТХБ хузуридаги НСваЭБ |
|---|---|
| (етказиб берувчининг номи)<br>**Манзил**: Тошкент ш., Чилонзор 9-18-2<br>**Тел./факс:** 71-273-72 74<br>**х/р:** 20208000104943581001<br>**Банк номи:** АТБ Турон банк МАБ Тошкент ш.<br>**МФО**:00446 **СТИР**: 302139536<br>**ОКЭД:** 42210<br><br>**Раҳбар** ____________ **Турабоев Э.Я.**<br>(имзо) (Ф.И.Ш) | (буюртмачининг номи)<br>**Манзил:**Фаргона шахар Мустакиллик 310 Б<br>**Тел./факс** (8 373) 226-14-55, 226-16-08<br>**ш/х*** 100021860304017042402170010<br>**бюджетдан маблағ олувчи СТИРи** 201737832<br>**ОКОНХ** 22100<br>**Ғазначилик бошқармаси номи:** Фарғона вилояти буйича ғазначилик бошқармаси<br>**ЯҒҚ**: 23402000300100001010<br>**Банкнинг номи:** Марказий Банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси хисоб китоб касса маркази<br>**МФО**: 00014 Ғазначилик бош **СТИРи:** 201122919<br><br>**Раҳбари** ____________ **Ф.Исомиддинов**<br>(имзо) (Ф.И.Ш)<br><br>**Юрист:** ____________ |

Юрист: Суфк. Сиддиқов.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Фарғона НС ва ЭБ бошлиғи
_________ Ф.Исомиддинов

2022 йил давомида бюджетдан ажратилган маблағларни мақсадли ва оқилона ишлатилишини таъминлаш учун Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфида бўлган насос станцияларда сув хисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этган холда сув сарфини "онлайн" режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш учун харид комиссиясининг 20.07.2022 йилдаги йиғилиш

**БАЁННОМАСИ**
**№1**

Раислик қилувчи: **Бошлиқнинг ўринбосари: А.Холиқов**
Иштирок этдилар: **А.Муқимжонов, Р.Сўпиев, А.Набижонов, А.Акрамов, Ж.Камолов, Х.Абдурахмонов,**

**ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИДАГИ КЎРИЛАДИГАН МАСАЛА:**

2022 йилда бюджетдан ажратилган пул маблағларини мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлашда бошқарма тасарруфида бўлган насос станцияларда сув хисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этган холда сув сарфини "онлайн" режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш ишлари тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 22 апрел 2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғирисида"ги 684-сони қонунида кўрсатилган талабларни ижросини таъминлаш мақсадида 07.07.2022 йил куни Фарғона вилоятидаги бошқарма хисобида бўлган насос станцияларда сув хисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этган холда сув сарфини "онлайн" режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш учун товар хом-ашё биржасининг махсус ахборот порталига эълон жойлаштирилган.

| Товар (иш.хизмат) номи | Улчов б-ги | Сони | Нархи | Ўрнатиш қиймати | Лот рақами | Эълон жойлаштирилган сана | Эълон тугаш санаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Фарғона вилоятидаги бошқарма хисобида бўлган насос станцияларда сув хисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этган холда сув сарфини "онлайн" режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш. (Фарғона вилояти "Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари хавза бошқармаси хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли насос станцияларда чиқарилаётган сув миқдорини ўлчовчи қурилмаларни ўрнатиш). | Дона | 25 | 23 037 500 | 575 937 500 | №22110012120680 | 07.07.2022 й | 18.07.2022 й |

Шу масала юзасидан бошқармада комиссия раиси А.Холиқов сўзга чиқиб 2022 йилда бошқарма тасаруфидаги насос станциялар билан пахта ва бошоқли дон экилган майдонларни суғориш даврида ўз вақтида сув билан таъминлаш учун бошқарма тасарруфида бўлган насос станцияларда сув хисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этган холда сув сарфини "онлайн" режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш ишлари учун 2022 йил 07 июль куни товар хомашё биржасига №22110012120680 ЛОТ орқали ахборот порталга эълон жойлаштирилган.

Ушбу ахборот порталига жойлаштирилган эълон бўйича бошкарма тасарруфида бўлган насос станцияларда сув хисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этган холда сув сарфини "онлайн" режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш ишларини бажариш учун «ISLOMBEK IMRONBEK SAVDO» МЧЖ, «Blue Star Group» МЧЖ, «ZARXAL QURILISH MONTAJ 777» Х/К тижорат таклифларини тақдим қилишганлигини айтиб ўтди. Юқоридагиларга кўра мажлис:

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

«ISLOMBEK IMRONBEK SAVDO» МЧЖ, «Blue Star Group» МЧЖ, «ZARXAL QURILISH MONTAJ 777» Х/К бошкарма тасарруфида бўлган насос станцияларда сув хисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этган холда сув сарфини "онлайн" режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш ишлари учун келиб тушган тижорат таклифлари танлов комиссиясига тақдим қилинсин ҳамда йиғилиш хулосаси тайёрлансин.

**Йиғилиш раиси бошқарма бошлиғи ўринбосари:** **А.Холиқов**

**Котиб:** **Р.Қаюмов**

Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси таъминот ишларини ташкиллаш харид комиссиясининг йиғилиши

**ХУЛОСАСИ**

**«20» июль 2022 йил** **Фарғона шахри.**

Харид комиссияси бошкарма тасарруфида бўлган насос станцияларда сув хисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этган холда сув сарфини "онлайн" режимида мониторингини олиб бориш курилмаларини ўрнатиш ишлари учун таклиф қилаётган:

«ISLOMBEK IMRONBEK SAVDO» МЧЖ,

«Blue Star Group» МЧЖ,

«ZARXAL QURILISH MONTAJ 777» Х/Кларининг тижорат таклифлари харид комиссияси томонидан нархи, иш сифати хамда хизматининг сифатлилиги юзасидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, бошкарма тасарруфида бўлган насос станцияларда сув хисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этган холда сув сарфини "онлайн" режимида мониторингини олиб бориш қурилмаларини ўрнатиш ишлари учун **«Blue Star Group» МЧЖ** таклиф этаётган хизмат учун шартнома тузиш маъқул деб топилди.

**Харид комиссиясининг раиси:** **Холиқов А.**

**Аъзолари:** **Абдурахмонов Х.**

**Муқимжонов А.**

**Супиев Р.**

**Акрамов А.**

**Набижонов А.**

**Камолов Ж.**